

# ИШОНСИН

Ушбу сонда:

2 СОЛИҚ ЮКИ КАМАЙДИ

3 СУРХОННИНГ БАҒРИ  
КЕНГ ОДАМЛАРИ

4 БУГУНГИ ЁШЛАР

## Қорхат

Қорхат — элчи, биламизки, элчиларга ўлим йўқдир,  
Изхори ишқ айлагали бундан бошқа йўлим йўқдир.  
Ҳаёт — гузал, дунё — асал, лекин Сиздай сўлим йўқдир,  
Бахт-таваққал — қалбингизни бугун менга очарсиз ёр,  
Ё қаҳрингиз қорхатимга қордай қилиб сочарсиз ёр.

Тукиликка эгачи деб, оплоқ юзли қорни севдим,  
Фариштадек оққунгилли, бодом кўзли ёрни севдим.  
Кўшиқнинг энг қайноғини, жарангазан тарни севдим,  
Юрини, ўшал кўшиқларни бирга-бирга айтишлик ёр,  
Бир кунгина инсон бўлиб, табиатга қайтайлик ёр.

Сиз дейсизки, бу дунёнинг одамларга турлик-турлик,  
Мен дейманки, турфа ранглар товланади сирлик-сирлик.  
Қор туфайли парклардан кўнглимизга боғлаб бирлик  
Қиш боғларини севи билан ифторларга тўлдирсак ёр,  
Дўстлар қалбин баҳор айлаб, ғанимларни сўлдирсак ёр.

Қорқизларнинг Маликаси ёнгинанда хандон юрса,  
Ҳаёт бахтин, кураш шавқин вағда айлаб жондон турса,  
Қордай бўлиб аригайдир агар бизни армон кўрса,  
Ишқ аҳлининг мизозлари ҳавас билан қарашгай ёр,  
Раёнларни тўйга чорлаб, бам тузса ярашгай ёр.

О Маликам, бу бир орзу, орзуларсиз яшолмадим,  
Бу бир ҳаёт, мен ҳаётни шеърларимдан ташлолмадим.  
Ушбу шеър ҳам шунчаки хат, оддий битик, гап омади.  
Ростин айтсам, Тош шаҳрида сиздай қизни топмадим ёр,  
Шунинг учун боғларида сайру сарсон чопмадим ёр,  
Қорхат — элчи, биламанки, элчиларга ўлим йўқдир...

И.ХАСАНОВ фотоявласи

### • Етасчи минбари

## ИЗЛАГАН ИМҚОН ТОПАДИ

Ҳар бир отаётган тонг юртимиз тарихига заррин  
лавҳаларни битмоқда. Барча нарса инсон учун,  
унинг порлоқ истиқболни йўлида хизмат қилаётди.  
Хомийлар ва шифокорлар йили зиммамизга янада  
катта масъулият юклайди.

Тармоқ касабаси уюшмаси кенгашига бирлашган ташкилотлар уларининг дастурларини ишлаб чиқиш, жойларда муайян ишларни амалга оширишмоқда. Мехнат жамоаларида имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари асосида 4444 та кам таъминланган оилаларга, 2970 та корхона меҳнат ахлига 80641000 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунинг 3790500 сўми касабаси уюшмаси маблағи ҳисобидан сарфланди. Бундай саховатдан кўп болали, кам таъминланган оилалар, пенсионер, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар ҳам баҳраманд бўлди.

Шунингдек, барча болалар уйлари, қариялар ва ногиронлар интернат-уйлари, ақли заиф болалар махсус мактаб-интернатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда у ердаги одамларга маънавий кўмаклашиш мақсадида тармоқнинг ҳўжалик корхона ва ташкилотлари маълум миқдорда маблағ ажратди. Китоб киши маънавияти-

ни бойтади. Унга олам-олам руҳий қувонч бахш этиб, дилдаги эзулиқни юксалтиради. Тошкент Давлат тиббиёт академиясининг 4-сон талабалар уйи ёшларига 400 та бадий адабиётлар тақдим этилди. Республика "Болалар сўзаси" касаллиги санаторий"си даволанувчиларига озик-овқат махсулотлари учун маблағ ажратилди. Шунга ўхшаш талай ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар хомийлар ҳисобидан шифохоналарда саломатликларини тикладилар. Бундан ташқари, 1528 нафар кўп болали аёлнинг оиллик маошлари сақланган ҳолда, иш ҳафта-сини 1 соатга қисқартиришга эришилди.

Шу билан бир қаторда тармоқнинг болалар оромгоҳларида меҳнат аҳлининг 360 нафар ўғил-қизи соғломлаштирилди. Сурхондарёлик тармоқ касабаси уюшмачилари томонидан ёнги соғломлаштириш мавсумида "Вахшивор" болалар оромгоҳида 25 нафар, Қулнаёзов номидаги 30 нафар ночор оила фарзандлари бепул дам олдирилди. Бундай сабоб ишлар тармоқ касабаси уюшмасининг Самарқанд

вилояти вакилиги ҳамда Андижон вилояти кенгаши томонидан ҳам амалга оширилди. Тармоқ касабаси уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши фаоллари ёлғиз қарияларнинг 27 нафарига 320 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, Янгийўл туманидаги "Фишт-Инвест" МЧЖ ва "Ўткир" ХФ кам таъминланган оилаларнинг 73 нафар фарзандига 1 миллион 95 минг сўмлик кийим-кечак тўхта қилиш билан бир қаторда сунат тўйларини ўтказиб, уларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул тақдим этди. Шунингдек, Пойтахтимиздаги "Карвон" бирлашган касабаси уюшмаси кенгаши ҳисобидан бошқалардан қолшимаяпти. Утган 9 ой мобайнида уларнинг кўрсатган умумий хомийлик ёрдами 144087772 сўмни ташкил этган бўлса, шунинг 17296300 сўми касабаси уюшмаси ҳисобидан сарф этилди.

Мехнатқашлар манфаатларини ижтимоий ҳимоялашнинг асосини аввало уларни барқарор иш жойи билан таъминлаш ташкил этади. Шунга назарда тутиб, тармоқ касабаси уюшмаси ҳодимлари "Бандлик" дастурига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 985 нафар киши минтақа бўйича қайта ўқитилиб, малакасини ўзгартиришига кўмаклашил-

ди. Меҳнат биржалари орқали 807 нафар ишсиз иш билан таъминланди. Шу жумладан, ногиронлар, болалик аёллар ва меҳнат бозорига рақобат қила олмайдиган шахсларнинг шунга ўхшаш тоифаларига 127 та квоталаштирилган иш ўринлари яратилди.

Касаначилар саёй-ҳаракати туфайли ишга бўлаётганлар сонини ҳам кун сайини ошириб бораётди. Жумладан, Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган "Чўтка ишлаб чиқариш корхонаси"да 55 нафар касаначи самарали меҳнат қилаётди. С.Раҳимов туманидаги "Олмес-ТЕКС"да 34 нафар, "Шарқ толаси" корхонасида эса 10 нафар тивуччи фаолият кўрсатаётди. Самарқанддаги "Зингёр" хусусий корхонаси 14, Сурхондарё вилоятидаги "Гулнора" хусусий фирмаси 45 нафар кишини иш билан банд этган.

Имкониятдан фойдаланиб, жорий йилдаги саёй-ҳаракатларимиз хусусида ҳар қандай ҳаллиқчилик наҳаж ишлар олинди...  
Чори ШОДНОВ,  
Ўзбекистон савдо,  
матлубот кооперацияси  
ҳодимлари ва  
тадбиркорлар касабаси уюшмаси Марказий  
кенгаши раиси

## ЯНГИ ГАЗ ҚУВУРИ ИШГА ТУШДИ

Бухоро вилоятининг 120 мингга яқин аҳоли яшайдиган Вобкент тумани тўлиқ газлаштирилган бўлса-да, бундан ўн йиллар олдин тортилган газ қувури эскиргани сабабли "зангор олов" таъминоти талабга жавоб бермас эди.

Бу муаммо вилоят мутасаддилари ҳамда "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси саёй-ҳаракати билан ўз ечимини топди. Когон-Тошкент газ трассасининг Куйимзор участкасидан Вобкент туманига умумий узунлиги 16 километр бўлган катта диаметри газ қувури тортилди. У нафақат ҳудуддаги 14,5 мингдан зиёд аҳоли хонадонини, балки қўллаб ишлаб чиқариши, маиший хизмат, ижтимоий соҳа объектиларининг ва қўшни Фижудон туманидаги чегарадош қишлоқлар эҳтиёжини ҳам таъминлайди.

ЎЗА

### • «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

## ЖАМОАГА ЕЛҚАДОШ РАИС

Чўл узра тун пардасини ёйган. Бундай пайтларда Ўртабўлоқ ҳудудидagi нефть ва газ конлари тамоман бошқача манзара касб этади. Фақат бургулаш машиналарининг гуриллаган овози дашт сукунатини бузади. Ер қаъридаги бойликларни сўриб олаётган кучли агрегатларнинг баландлиги 40-50 метр келадиган «темир минора»ларидagi ва шу атрофнинг вагон-уйларидagi чироқлар эрталабгача ўчмайди. Бу эса конлардаги ҳаёт кеча-кундуз бир маромда давом этиб, нефть ва газ со-

ҳаси ҳодимлари касбларига садоқат билан ёндашаётганларидан ҳамда ёнгили захирасини кўпайтириш йўлида матонат кўрсатаётганларидан далolat беради. Даштдаги вагон-уйларнинг бирида корхона касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Ражаб Ғаниев ва кўмитанинг шу ҳудуддаги вакили Фармон Бердиев билан дам олаётган смена ишчи-хизматчиларининг ўзаро суҳбати қизгин давом этади. Айни пайтдаги аҳвол таҳлил этилган, асосий мақсадга ўтилди. Эшик қоқайтган қиш фаслига тай-

ёргарлик масаласи яна бир марта кун тартибига қўйилган. Меҳнат аҳли учун яратилган шароит, вагон-уйларнинг таъмири, иситиш тармоқлари ҳолати, махсус иссиқ кийим-бош, озик-овқат ва ошхона, маданий-маиший, спорт, ил-ғорларни рағбатлантириш, меҳнат таътилига чиқувчилар учун имтиёзлар каби масалалар бирма-бир кўриб чиқилди. Касабаўқим раиси ва кўмита вакили баъзи бир фикр-мулоҳазаларни дафтарларига ёзиб олдилар. Улар эндигина қўшни вагонга ўтмоқчи бўлганларида теле-

фон жиринглаб қолди. Р.Ғаниевнинг гўшакка таклиф этишиди.

— Уйингиздан сўрашяпти, — гўшакдан диспетчернинг овози эшитилди.  
— Эшитаман, тинчликми?  
— Дада, Шоҳрузман. Сизни кутаямиз, келмайсизми? Ахир бугун ойижонимнинг туғилган кунлари-ку? Ҳаммаси тайёр, меҳмонлар келишган...  
— Уэр, ўғлим ахир мен сизлардан салкам 200 километр узоқдаман. Яхши, ойижон чакир...  
(Давоми 2-бетда).

### • Зарбдор қурилишларда

Ўзинг яшаётган масканнинг табиий бойликларини, қўл ва дарёларини, боғ ва экинзорларини кезининг гашти бор. Мингбулоқ тумани далаларини айлашиб юриб, Сирдарё киргоғига чиқиб қолдик. Кўёш гарбга қараб оға бошлаган, унинг қиялаб тўшаётган нуруларини борлигини янада ёқинроқ кўрсатар, дунё ёритувчисининг ёғдусида жимирлаб оқайтган тўлиқларга кимдир кўмуш сеппи кетаётгандай ялтирар, қарши киргоққа қад кўтарган улкан иншоот афсоналардаги шахарчани эслатарди.

## Дарё соҳилидаги улкан иншоот

— Бир қурилиб қолди-да, деди ўша тарафга сеҳрлангандек тикилиб қолган шоир шеригимга аста пичирлади:  
Сирдарёнинг у ёғида бўйларингиз-ей,  
Оқариниб кўринди уйлариңиз-ей,  
Истиқлол тимсоли бўлди қаддингиз,  
Тўлқин оҳангидай қуйларингиз-ей.

Учинчи шеригимиз, шу ерлик адабиёт ўқитувчиси Тождидин қарсақ чалди:  
— Яшанг ака, шеър ҳам тайёр турган экан-да!  
— Шеър тайёр турмайди, балки атроф-муҳит, кўрган-кечирганларингиз таъсирида, қалбада яралади. — Шоир дустимиз шеър мазмунинга мот тарзда бош тебратиб жавоб қайтарди. Бугунги кунда юз бераётган улкан ўзгаришлар, яратувчилик меҳнати самараси ҳам кўпроқ илҳом бағишламоқда. Қаранг, ўтмишда зог ўчмаган даштликда, муболагаси билан айтганда, одам қадами тегмаган жойда улкан қурилишлар юз бериши кимнинг ха-

ёлига келибди. Уйимиз олдидан ўтган ариққа каттароқ кўприк қурадиган бўлсак, "марказ"нинг руҳсати олинган.  
Шу тариха гуруҳимиздагилар Сирдарё бўйида бунёд этилаётган ва узунлиги 14 қақиримлик Резаксой сув ombори қурилиши ҳақида ўз билган ҳамда эшитганларини ўртага тўкишди.

Дарҳақиқат, ушбу иншоот қурилиши водий аҳлининг анча йиллардан бери эзгу орзуси бўлиб келган. Бунга сабаб шуки, кейинги ўн беш, йигирма йил ичида Сирдарё окимида қутилмаган ўзгаришлар юз бермоқда. Дехқончиликнинг вегетация даврида (экинларнинг айни ривожланишига кириб парвариш қилинадиган ва сувга нисбатан эҳтиёж кучайган пайти) сув жилдираб қолади. Сув талаб қилинмаган куз ва қиш ойларида шунақанги авжга чиқадики, гоҳо жиловлашнинг иложи бўлмайди. Экинзорларни бузади, дамба ва тўғонларни ишдан чикаради, Наманган ва Андижон вилоятларининг киргоққа яқин

шаҳар-қишлоқларига хавф солади. Юқорида тилга олингандек, Чуст ва Тўрақўрғон адирликлари ораллигида сув ombори бунёд этилса ҳамда беҳуда оқаётган сувнинг бир қисми тўлаб олинса, ана шу хавф-хатар камаяр, энг муҳими, бирин-

чи навбатда қир ва адирликларга бой, аммо «оби ҳаёт» танқислигидан бекор ётган юзлаб гектар қўриқ ва даштнинг ўзлаштириш, қишлоқ ҳўжалик оборотига киритиш имкони туғиларди.

Мустақилликимиз шарофати билан ана шу йўналишдаги неча ўн йиллик орзу ушаладиган бўлди. Мамлакат ҳукумати шу мақсадни рўёбга чиқариш учун йигирма уч миллион сўм маблағ ажратди. Шу йўналиш бўйича ўтказилган тендерда ғолиб қолди "Тўралангсув ГЭС қурилиши" масъулияти чекланган жамияти жамоаси, мана, учинчи йилдирки ушбу иншоотни бунёд этиш иши билан машғул. Ҳозирги кунда бош пудратчи "1-Наманганқурилиш" акциядорлик жамияти билан биргаликда бу бунёдкорлик ишида Чортоқ, Косонсой, Уйчи, Тўрақўрғон туманлари қурувчилари, "Обод қурилиш-сервис" ва 6-механизациялашган кўча жамланма, умуман, 49 та ёрдамчи ёлланма пудратчи ташкилот жамоаси ҳам фаол

кўмаклашмоқда. Лойиҳага кўра, иншоот тўғонининг дастлабки қисми баландлиги 48, узунлиги 1528 метрни ташкил этади. Сув ombори биринчи навбатда тўғон сув сизими 50 миллион кубометргача этади. Қонқиш билан таъкидлаш жоизки, лойиҳада кўзда тутилган ишларнинг талай қисми баҳариб қўйилди.

Саккиз юз нафар қурувчи, юзлаб машина ва механизмлар иштирок этаётган жамоанинг бир ёқадан бош чиқариб қилаётган ҳаракати ва сарфлаётган куч-ғайрати туфайли тўғон қурилишининг биринчи навбати баҳариб қўйилди ва кўзда тутилган қатор иншоотлар қад кўтарди. Бир жумла билан ифодалаганда, Марказий Осиёда шу тилдаги йирик иншоотлардан бири бўладиган "Резаксой" суьийи денгизи қурилишида иш якунига етай деб қолди. Иншоот қурилиши тугаллангач, Сирдарё суви ортиқча асовлик қилмайди, водий шаҳар-қишлоқларига хавф солмайди. Бу ерда тўпланган «оби ҳаёт» Наманган вилоятидаги қир ва адирликларга, дашт майдонларига, шунингдек, қўшни Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятларидаги сув тақчиллиги сабабидан ўзлаштирилмаган чўл майдонларига ҳаёт бағишлайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,  
"Ишонч" мухбири

### БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида "Буюк Ипак йўли: кеча, бугун ва эртага" деб номланган фестивал бўлиб ўтди. Республика хотин-қизлар кўмитаси ва "Судийна" камер оркестри бадий жамоаси билан ҳамкорликда ташкил этилган фестивал бу турдаги кўргазмаларнинг дастлабки ҳисобланади. Шу пайтга қадар бундай тадбирлар бир йўналиш бўйича ўтказиб келинган бўлса, бу гал аънаданан бироз четлаб ўтиди. Яъни, кўп тармоқлик асосида мусика, тасвирий санъат, видео-арт, либос дизайни, пластик рақс ва фото санъат намуналари таъриф буюрганларга тақдим этилди. Унда элчиҳона ҳамда дипломатик корпус вакиллари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси маъсўл ҳодимлари, санъаткорлар ва фахрий меҳмонлар иштирок этидилар.

Дастлаб Миср, Индонезия, Ҳиндистон ва Ўзбекистон давлатларининг тарихи, миллийлигини ақл эттирган қадимий буюмлар, халқ унариманчилиги ва фотосуратлар томошабинларни нгоҳидан ўтди. Бу ердаги барча кўргазмалар каби Индонезия халқ мусика асбоблари ёрдамида таралаётган куй ҳам ўтмишга чорлаётгандек гўё.

Атрофи ёғоч билан чегаралаб қўйилган кўм устидagi ўн инсоннинг оҳиста ҳаракати диққатни тортиди. Бир қарашда улар жонсиздек кўринади; хатто айрим қизиқувчан томошабинлар юзидаги ниқобни очиб, аниқлик киритмоқчи ҳам бўлдилар. Аммо, маълум муддат ўтган билан-билан асалга ошираётган ҳаракатлари инсон томонидан баҳариланган маълум бўлди.

Ўзига хос услубда карвон йўллари тасвири билан безатилган сахнада ҳар бир давлатнинг миллий куй-қўшиқлари, рақслар намойиш этилди. Айниқса, ушбу тадбирнинг гоу муаллифи Адиба Шарипова ва Феруза Абдурахмоновларнинг мусика асарлари ҳамда ҳинд рақси томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Тарих ва замонавийлигини ўзида уйғунлаштирган маъзур тадбир давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантирибгина қолмай, тили ва миллиятдан қатъи назар, барча қалбларни бир бирига боғлайди.

Мактуба МУМИНОВА,  
"Ишонч" мухбири

## Тармоқ касабаси уюшма ташкилотларида МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилоят кенгашининг Оқунбойев туманидаги вакилиги "Туман таълим муассасаларида меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш" мавзусида семинар ўтказди. Унда вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Халилов сўзга чиқиб, меҳнатни муҳофиза қилиш тўғрисидаги қонуннинг баҳариланиши бўйича тадбирларни амалга ошириш ҳақида гапирди.

Таълим муассасаларида меҳнат шароитлари ва муҳофиза тадбирлари тўғрисида туман меҳнат бўлими инспектори М. Эминов маъруза қилиб, иштирокчиларга бу борада йўл-йўриқлар кўрсатди.

### СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Фарғона вилоят таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшма кенгашининг раиси Собирхон Саиджўраевлар оиласи спортга меҳр қўйган. Масалан, яқинда Фарғона шаҳрида "Истиклол" теннис мажмуасида Фарғона теннис мактаби асосчиларидан Ю. Цой хотирасига бағишланган халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Саиджўраевлар оиласи яна бир бор ўзини кўрсатди. Ушбу нуфузли мусобақада қўшни Қозғоғистон, Қирғизистон Республикалари вакиллари, Тошкент шаҳрининг тўрт жамоаси, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Қашқадарё вилоятли спортчилар ҳамда Фарғона Олимпик заҳиралари спорт коллежи ва Фарғона болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларидан, жами 172 нафар ёш спортчилар иштирок этидилар.

Сарвиноз Саиджўраева 11 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги мусобақада, Мўхаммадризо Саиджўраев ўғил болалар ўртасида фахрли биринчи ўринни, оиланинг яна бир вакили Санжар Саиджўраев эса иккинчи ўринни эгаллади.

Жуфтлик ўйинларида Ж. Урозалиев (Андижон), Д. Дўлдаев (Қирғизистон Республикаси) 1-уринни, қизлар ўртасида Л. Азимова (Самарқанд), З. Жалилова (Тошкент шаҳри) 2-уринни, А. Телесова (Қозғоғистон), А. Молдабаева (Қозғоғистон) 2-уринни эгалладилар. Мусобақани ташкил қилган "Истиклол" теннис мажмуаси маъмурияти ва марҳум Ю. Цой оила аъзолари гоилибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этишди.

### БЕЛЛАШУВ

Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан яқинда Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилоят кенгашининг шаҳар, туман раислари ҳамда ҳодимлари иштирокида спартакиада бўлиб ўтди.

Қатнашчилар спортнинг 7 тури бўйича, яъни стол тенниси, шашка, армистрелинг, арғумчоқда сарқаш, дарвозани нишонга олиш, баскетбол тўпини қалбага ташлаш, дарз турлари бўйича беллашди. Дўстона ва кизиқарли ўтган мусобақа якунига кўра Сўх туман вакили М. Акпаров биринчи, Қувасой шаҳар вакили М. Мамажонов иккинчи, вилоят кенгаши мутахассиси М. Сотволдиев учинчи ўринни қўлга киритдилар. Шунингдек, Фуркат тумани вакили М. Юлдашев, Ёғдод туман кенгаши раиси Ш. Боймиргазев, Оқунбойев туман вакили Д. Фофурова, Фарғона Давлат университети касабаси уюшма кўмитаси раиси Т. Юлдашевлар фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

Мусобақа гоилиблари ва фаоллари таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Ўз мухбирларимиз

«Исонга наф келтириш — олий бахт» танловига

**(Боши 1-бетда)**  
Р. Ганиев турмуш ўртоғини телефон орқали мувоабак этди. Яна икки кундан кейин уйига боришини маълум қилди. Хамшира эмасми, Амина Султонова ҳам вазиятни тўғри баҳолади. Фарзандлари, қариндошлари даврасида тутилган кунини нишонлади. Мухими, хафа бўлмади. Чунки уларнинг уйда бундай ҳолатлар тез-тез такрорланиб турарди.

Хузур-халоватини жамоаси манфаатини устун қўйиб келадиган Ражаб Ганиев ўн йилдирки, Қоровулбозордаги «Узнефгазкудуктаъмирлаш» очик акционерлик жамиятининг касба уюшма кўмитасини бошқариб келаяпти. У қалб меҳрини бериб корхона ишчи-хизматчиларининг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилади. Уларга қулай меҳнат шaroитларини яратиш, саломатликларини муҳофаза қилиш, манфаатдорликларини ошириш, қисқаси ҳар жабҳада жамоа аъзоларига елкадош бўлишга бош-қош. Бунинг натижаси ўлароқ корхона ишчи-мутахассислари тараққиёт йўлидан бориб, ҳар йили белгиланган режаларни бажариб келишяпти.

Икки оғиз ҳикоямиз қахрамони Ражаб Ганиевнинг ҳаёт йўли ҳақида. Бундан чорак аср муқаддам бурғуловчиллик ихтисоси бўйича дипломини қўлга олган ёш мутахассис 12 йил давомида чўлда юриб «Туркменбургаз» трестига қарашли нефть ва газ конларида меҳнат қилди. 1993 йилда Қоровулбозорга келиб, ҳозирги корхонасида пармаловчи ердэмчиси, пармаловчи уста, катта уста, етакчи муҳандис лавозимларида меҳнат қилди. Хушмуомалалик, тиришқоқлик, одамлар қалбига йўл топиш, оғир дамларда атрофдагиларга елкадош бўлиш каби инсоний фазилатлари билан жамоада ҳурмат қозонди. Жамоа ишларида фаол қатнашиб, одамларга ҳамма меҳр улашди. Шу боисдан бўлса керак, 1996 йилда уни касба уюшма кўмитасига раис этиб сайлашди.

Р. Ганиев турмуш

ўртоғи Амина Султонова билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Катта ўғли Феруз — инстинтутни битириб, отасининг ёнида катта механик вазифасида ишлаяпти. Шохруз ҳам отаси ва акиси изидан борапти, бўлажак бурғуловчи. Ҳозир у Бухородаги нефть ва газ санoати касб-хунар коллежида ўқимокда. Келгусида ўқитувчи бўлишни орзу қилган Фаридо эса Бухоро Давлат университетининг 3-курс талабаси. Бу хору туманидаги Юриболо қишлоғида яшаётган Ганиевлар оиласини аҳил-

тажриба, донолик, талаб-чанилик ва бағрикенглик фазилатлари муҳайё. Ошхоналар жамоа учун айни мудоаб бўлаяпти. Корхона раҳбарияти ва касба уюшма кўмитасининг келишидан ҳолда ягона мақсад сари интилиши белгиланган режаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаб, жамоамизнинг турдош корхоналар ўртасидаги мавқеини оширмакда.

Касба уюшма кўмитасининг 7 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг бари ўз касбининг усталари. Масалан, Хасан Санаев жисмоний тарбия ва

телевизор, музлатгич, радио, совутигичлар, кўрпачулар муҳайё. Ошхоналар ишлаб турибди. Хавфли ва зарарли шарoитда ишловчиларга сут маҳсулотлари ёки уларга тенглаштирилган маҳсулотлар бериб борилаяпти. Вақти-вақти билан ходимлар тиббий кўриқдан ўтказилиб туриладди. Ахир барча конларда ёзда ҳарорат 50-60 даражага кўтарилганда, қишда 20-30 даражага пасайганда темир-терас билан ишлайдиганларга шундай шарoит яратмаса ҳам бўлмайди-да. Жамоада спорт-соғлом-

ҳам худди шундай имконият яратилган эди. «Жамоа шартномаси»да акс этган имтиёзлар фақат юқоридегилардан иборат эмас. Ҳозиргача жамият ходимларининг саломатликларини тиклаш ва дам олишларини ташкил этиш учун санаторий ҳамда курортларга 30 та йўллама ажратилди. Уларнинг деярли барчаси имтиёзли тарзда берилди. Кам таъминланган оилаларга модир-терас билан ишлайдиганларга шундай шарoит яратмаса ҳам бўлмайди-да. Жамоада спорт-соғлом-

# ЖАМОАГА ЕЛКАДОШ РАИС



лик, меҳнатсеварлик, хулқ-одоб, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш бобидаги фаолиятини ҳам қўччиликка ибрат қилиб кўрсатишди. Шу боис Р. Ганиев жамоадорларни ташвиши билан банд бўлиб, ҳафталаб қишлоғида қайтмас-да, оиласидан кўнгли тўк.

Мехнатқашларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиб, иш шaroитини яхшилаб берсанг, вақтида манфаатдорлигини таъминласанг, улар билан муомалани ўрнига қўя билсанг юкин ҳам, гапинг ҳам ерда қолмайди, — дейди Ражаб Ганиев. — Албатта, бу ўринда корхона раҳбарининг ҳам ўзига хос роли бор. 1100 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи бошчилиқ қилаётган раисимиз Имом Мўминовда катта ҳаётий

соғломлаштиришга, Анвар Абдуллаев меҳнатни муҳофаза қилишга, Зулайхо Зарипова хотин-қизлар фаолиятига масъул. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Фармон Бердиев, Фарход Муродов, Шермат Иннатов, Ахтам Рўзиев сингари вакиллар ўртабўлоқ, Қоровулбозор, Шўртан, Кўкдўма-лоқ участкаларида фаол меҳнат қилишяпти. Натижада бахтисиз ва кўнглисиз ходисаларнинг олди олинам.

Конлардаги ишчи-мутахассислар вахта усулида (яъни бир ҳафта ишлаб бир ҳафта дам олишда) меҳнат қилаётган жамоа аъзоларига замонавий автобуслар бепул хизмат кўрсатмоқда. Барча участкалар вагон-уйлар билан таъминланган. Уларда электр энергияси,


лаштириш ишларига эътибор бўлакча. Барча участкаларда шаҳарлардагидан қолшимайдиган спорт майдончалари мавжуд бўлиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ходимлар ўртасида шахмат-шашка, теннис, волейбол, футбол ва бошқа турдаги мусобақалар ўтказиб турилади. Маҳоратлилар тармоқ корхоналари ўртасида туман, вилоят, республика миқёсидаги беллашуларда муваффақиятли қатнашмоқдалар.

**Иззатулла ХОЖИЕВ,**  
**«Ишонч» муҳбири**  
Суратда: корхона касба уюшма кўмитаси раиси Р. Ганиев (ўртада) фаоллари билан гадаги вазифаларни белгиламоқда.

# КАСАБА УЮШМА СТИПЕНДИАНТЛАРИ



Юртимизда ёшларнинг билимдон, жисмонан бақувват, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб камол топиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли юмушини бажаришда касба уюшма ташкилотлари алоҳида ташаббускорлик кўрсатмоқда. Халқаро талабалар кўни муносабати билан пойтахтимиздаги олий ўқув муассасаларининг 5 нафар аълочи ва жамоатчи талабасига «Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг стипендианти» гувоҳномаси ва 5 нафар ўрта махсус таълим максаидаги тахсил олувчи ёшларга эсдалик совғалари топширилганлиги фикримизнинг исботидир.



## «Конституция кўни» олдидан ВАТАН МАРДЛАРГА ТАЯНАДИ

Бахтимиз қомуси саналмиш Конституциямизнинг IX боб, 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташлари шарт» деб белгилаб қўйилган. Зеро, Ватан олдидаги бурч инсон учун доимо муқаддас бўлиб қолаверади. Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбийларимиз зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Бунинг қўшиқ чакирув давомида туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимидаги гавжумликлар миқсолида ҳам ҳис этиш мумкин. Бу ерга тўпланган мард, серғайрат йигитларнинг ҳам, уларнинг ота-оналарининг ҳам бир мақсад бошлаб келган. Бир сўз билан айтганда, аскарликка хатланмиш, Ватан ҳимоясига олганиш ёшларимизнинг шарафли орзуларига айланмоқда.

Ҳарбий хизматга барча ёшларни жўнатишнинг имконий йўқ, Гувоҳи бўлаётганимиздек, жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлган йигитларгина сараланаб жўнатишмоқда. Лекин сода хизматига бўлган ёшларимиздаги иштиёқмангликни кўриб, Ватан тақдирини, сарҳадларимиз дахлсизлигини мард, жасур ва серғайрат йигитларга ишониб топшириладиганлигини кўнгли хотир-жаваб тортади. Қаторда ана шундай эрдасидек фарзандларни қўлга олиш зарур бўлади.

Касбимиз тақозосига қўра, худудимизда жойлашган ҳарбий қисм ва чегара қўшилари ҳузурида бўлиб, суҳбат, учрашувлар ўтказиб туришимиз. Улардаги иштиёқ билан бирга, ҳарбий билимининг ҳам мукамиллашга бориши, энг аввало, ўз бурч ва вазифаларини наминадан иборат эканлигини англаб етатишликларини бизни гурурлантиради.

Конституциявий ҳуқуқ ҳокимият муносабатларига оид ҳуқуқий жараёнлар ривожининг асосини ташкил этади. У барча давлат идоралари уйғун тарзда ўзаро ҳамкорликда ишлаши учун муқтажам ҳуқуқий пойдевор яратди. Башарти давлат идоралари ўртасида ички ақидлик, мувозаанат ва муроаса бўлмаса, конституциявий инқирозлар ҳолда сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаётган ватан ҳимоячилари орасида конституциявий ҳуқуқ тарғиботини янада жонлантиришга аҳамият бераётимиз. Чунки Конституцияда халқнинг олий иродаси ўзининг қонуний ифодаси ва муқтажам бабини топади.

**Исрофил УМРЗОҚОВ,**  
Самарқанд ҳарбий прокурори  
ёрдамчиси

## Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш борасида қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликлари ҳар томонлама қўнун билан муҳофаза этилган. Бу биринчидан, ишлаб чиқариш ва тижоратни кенг йўлга қўйиш имконини берса, иккинчидан, ортиқча ишчи қўчини фойдаланиш мақсадида жалб этиш, меҳнат дафтарчаси очил, қолларни ҳам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, пенсия бадалларини жағғариб бериш каби қўнуний ҳуқуқлардан фойдаланишга кенг йўл очмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида алоҳида таъкидлаганидек: «Бугунги кунда тўрт мўчаси соғ, куч-гайратли бор, энг муҳими меҳнат қилишга иштиёқи ва интилиши бўлган одамларни иш билан таъминлаш масаласи ҳуқумат-

нинг, барча бўғиндаги давлат идораларининг асосий вазифаси бўлиши керак».

Шундан келиб чиқиб, ишбилар-

тон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини олиб қарайлик. Унда тадбиркорлар учун қўллаб-қувватлаш яратилган. Мазкур қарорга мувофиқ 2006 йил-

лар ушбу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўдилар. Бу корхоналар биргина жорий йилнинг олти ойи мобайнида қўриқда қайд этилган имтиёзлар тўғрисида даро-мат (фойда) солигининг ўзидан 24 миллион сўмдан зиёд фойда кўрдилар. Ягона солиқ тўлови

яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини олиб қарайлик. Унга мувофиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, уларнинг ихтисослаштирилган бошқарувчилари — хизмат кўрсатиш ташкилотлари, уй-жой фонди хизмат қилиш ва таъмирлаш бўйича иш олиб борганда 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб тўрт йил муддатга барча турдаги солиқлар ва йигимлар тўлашдан озод қилинганлар. Демак, вилоятимиздаги 80 дан ортиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари янги йилдан бошлаб ушбу имтиёзлардан фойдаланадилар. Ушбу берилган имтиёзлар натижада 2007 йилда солиқлардан 44 миллион 200 сўм, бюджетдан ташқари мақсадли жағғармалардан эса 38 миллион 800 сўм маблағлар корхоналар ихтиёрида қолади.

Бу ҳам аслида инсон манфаатларининг устувор эканлигини тасдиқлайди.

**С. ШАНГИЕВ,**  
Қашқадарё вилоят  
Давлат солиқ  
бошқармаси инспектори

# СОЛИҚ ЮКИ КАМАЙДИ

нинг апрелидан бошлаб юридик шахслар уч йил давомида даро-мат (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этилдилар.

Хусусан, вилоятимиз худудидagi лизинг, огуурта, аудиторлик, маъиний электрон техника ва электр асбобларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатувчи, ветеринар хизмати, таълим соҳасидаги, компьютерга ўқитиш каби фаолият турлари билан шуғулланиб келаятган 50 га яқин корхона ва ташкилот-

бўйича берилган имтиёз суммалари эса 16 миллион 200 сўмини ташкил этади. Солиқ юкининг камайишидан келган бу маблағлар корхоналар ихтисосини мустақамлаш, янги техника, асбоб-ускуналар ўрнатиш, ишчиларни моддий ва маданий жиҳатдан таъминлаш ишлари сарфланади.

Еки 2006 йилдаги «1991 йилга қурилган кўп хонадонли турар-жой ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини

Asror NIZOMOV  
Хикоя  
Оқурлаги  
ОАТИН

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**  
Кориз қудуқлари бўйлаб ўта бошлади, ой анча кўтарилди, атроф ажабтовор ёришиб турарди. Чўқур ичидан бир қора нарсга ажралиб чиқди. Йўлга қўндалан бўлди. Тўхта, деди. Ана ҳаётнинг ўйини. Шу йўлдан, айнан шу ердан шом-номозшом, хатто ярим тунда ҳам Пардахол неча ёнлаб ўтганида бирон киши, кимсан демаганди. Ана энди манави хуржундаги хайрон қолгур билан келаятганда, бунақа бўлиши кимнинг хаёлига келибди. Пардахолнинг юраги шув этди. Аммо сездиримади, Тун қоронғуси, бир хаёл, қоранинг устига ол солиб юбор, деди. Аммо кеч бўлган эди, масофа қисқа, бия тезлик ололмаслиги тайдан, не бўлса бўлар. Тўхтади. Кимсан, деди қора. Пардахол жим. Ҳа дейишга хол йўқ. Соқовми дейман, қоронғуликдан иккинчи қора ажралиб чиқди. Пардахол беихтиёр кўйини қўл солди. Ханжарнинг совуқ дастаси. Холмуродбойнинг ханжари. Шу тилласи кургур паллатини бекор олдинг, деди Холмуродбой хавла. Бекор олдинг, ётайверсин эди, ётган жойи охургинада. Нима қилсан уни, тилланг каммиди? Деворни чизиб кўрсатганимни наҳотки тушунмадинг. Ана ўшани ол эди. Узимизнинг ҳалол, покиза молимиз. У кам бўлса, ховлига ҳам имо қилгандим, анигини айта олмасам ҳам изласанг топар эдинг-да, бир кун. Ана шунисини ол эди. Ана энди нима бўлди? Булар бир газаанда-да, на қарини билади, на ёшни, на аёлни билади, на бир химюсиз гўдакни. Сенинг хуржунингда нима бор эканини билмасам ҳам, улар шайтоннинг бир малайи, унинг кўрсатмаси билан худди сенга ўшаган пул қўлтиклаган, мол етаклаганларга ўз-ўзидан дуч келаяверади. Чунки уларга шайтоннинг ўзи йўл кўрсатиб, кимни тунашни ўргатиб туради-да. Булар бир ис билар чибин. Бир вақтлари Холмуродбой чибин ҳақида бир воқеани айтиб берган эди. Уша хангома Пардахолнинг хаёлидан қачиндек қачнаб ўтди.

Даштликлар гўрков сақлашмайди. Ким казо қилса, қишлоқ оқсоқоли фалончи-пистончи, деб тўрт кишини

кўрсатишди. Сенлар уйига чиқинлар. Уша тўрт киши мархумга қабр қовлагани чиқиб кетаяверади. Қишлоқда ақсарият эркаклар гўр қовлашни билади. Чунки ҳамма ҳам наваб билан қабр қазигани чиқашди. Етти марта қабр тайёрлаганга олам-олам савоб деб Холмуродбойнинг ўзи ҳам неча бор гўр қовлагани чиққанлиги Пардахолнинг эсида.

Холмуродбой ҳар гал мазор бошига чиқар олдиндан саҳарлаб туриб, широчийини эртароқ пишириб бер, шерикларим қутиб қолмасдан қўйиндига етишим керак, деб астойдил таҳорат олар, кейин қоринини тўйгазиб чиқиб кетарди. Ушанда Холмуродбойни қўрганлар, ҳечам Холмуродбой демас эдилар. Эғнида эски тўн, камдан-кам қиядиган баланд ўқчалик ранги ўқинираб қолган этик. Тўйга борсанг беқайи бўл, ишга борсанг қулдай бўл, дерди кийинишига саволмуз тикилган Пардахолга. Мен у ерга бориб тупроқ қовламан, ҳар юмушнинг ўз ярашишлиги бор ахир. Бир вақтлари келиб қоларди. Эғни-боши чанг-чунг, алланечук ўйчан. Чарчадингизми, дерди ўшанда Пардахол. Холмуродбой бошини сарак-сарак қилар, кейин оҳистагина нега чарчадинг, ўзим шундай, деб ювиниб-тозаланиб олган, чой устида Парда, дерди, бу ис билар чибин дегани бир бало. Қандайчикин чибин. Пардахол ҳеч нарсга тушунмай ағради. Холмуродбой қўл силтаб, эшит, дегандай им коқади. Хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ бўлсин, қирга (атайлаб қабр қовлагани деб айтгани келмайди) отландингми, албатта биттаси эргашиб изма-из мархумининг уйига (яна мархумнинг гўригача дегиси келмайди) боради-да. Ҳайдасам кетмайди, ўлдирай десам тутқич бермайди. Худойимнинг ишини қара, бу ҳам бир синаотда. Бизнинг қаёққа, нима мақсадда кетаётганимизни қардан била қолади дег. Ҳа, ёз кунлари иссиқ, бу сафаргисини айтмайсанми, қаҳратон қийда-я. Уйдан чиқар-қиқмас изимдан эргашди. Билмайман, қаеримда паналас паналябди хайрон қолгур. Кун совуқ, изгирин, тупроқ музлаган, амаллаб устки яхлаган қатламни олиб ташла-

гандик, иш анча тезлашиб кетди. Икки соатга қолмай киндик бўйи уйиб саройини тайёрлади, кейин ичимизда Қўшотбой устароқ-да, саройининг қиба бетидан ёнламаса одам сифар даражада туйник очиб уйини қовлай бошлади. Тўхта, дедим, тўхта Қўшотбой, менам бир тўшай, қайтиб қовлай, қани ургат. Аввал одам бемалол ўтирса бўладиган туйник қовлаб олиб, кейин бош томонини, сўнг оёқ томонини ўйиш керак, деди Қўшотбой, тагини текис, устини товқунинг тухмуқисиди гумбаз қилиб тушир. Чарчаш билмай ишлайми, алмашиб-алмашиб теша тортамиз, тупроқ шов-шов тўкилади, гўринг кенг бўлгур яхши одам эди, уйини қазिश ҳам энгил ўтиб, осонгина тайёр бўла қолди.

Ташқари аёз, гўринг ичи иссиқкина. Тайёр бўп қолди-ёв, деди бир вақт Қўшотбой. Кейин мархумнинг жойига ётиб кўрди. Мана, айтмадимми, тап-тайёр. Э унинг бўйи сендан узунроқ, Холмуродбой билан тенг қилиб қолар. Холмуродбой ётиб қўрса биламиз-да, тайёр-тайёрмаслигини. Ҳўп, дедим. Лип этиб ўзимни лаҳад ичига олиб, мархумнинг жойига қўзимидан. Бош томонидан ҳам, оёқ учидан ҳам бир қариндай жой ортиб қолди, дедим ташқаридагиларга. Унда тайёр бўпти, дейишди шерикларим, чикайверинг. Шунда нени кўрдим де, энди мунга қара, ўша уйдан эргашиб чиққан чибин лаҳаднинг шифтига ёпишиб турибди. Балким бошқасидир. Йўқ, кўнглим айтиб турибди, худди ўзи. Қўл сермадим, тутга олмадим. Қўшоти кургур жуда зийракда, э қўяверинг, деди барибир тутга олмайсиз, унга ўзи шундай дуо кетганими, бир бало, индаманг, қолайверсин, энди у мурда билан бирга қолади. Алланечук бўлиб кетдим.

— Қўрқингизми?  
— Йўқ, қўрқмадим, алланечук бўб кетдим. Э, Пардахол, ҳар қайсимизнинг келар жойимиз шу экан-да деган хаёл ўтди, миямдан. Юғрамиз, елаемиз, биримиз ундай, биримиз бундай яшаган бўламиз, аммо ҳаммамизнинг келар еримиз бир. Мана шу бош томонимиз-

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

**Кумкўрғон туман марказий шифохонаси тасарруфидаги шифолиқ тиббий ёрдам ва туғруқхона бўлимида капитал-реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун вилоят «Ягона буюртмачи хизмати инженеринг компанияси» 46 миллион сўм маблағ ажратган. Ҳозирги кунда «Кумкўрғон темирйўл қурилиши» хусусий корхонаси билан биргаликда «Абдулазиз» — «Абдувоҳид», «Мухтор», «Пахтаой», «АРК-керамика» фирмаларининг қурувчилари Шарқ мезморчилигининг ганчкорлик услубида марказий шифохона бинолари ва КВПларини таъмирлашяпти.**

Марказий шифохонанинг туғруқхона бўлимида дераза ва ашиқ ромларини янгилаб, шувок ишларини бажарилган йўлдош Бозоров бошлиқ қурувчилар хузурига туман ҳокими Нормуҳамид Чориев бир гуруҳ фаоллар билан таширф буюрди. Қурувчилар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, бажарилган ишларни синчковлик билан кўздан кечириб, шу ернинг ўзиде йиғилиш ўтказди.

боқ Холлиев ҳам тиббиёт ходимларининг икки кунлик иш ҳақи, яъни 5 миллион сўмин таъмирлаш ишлари учун сарф этишга келишиб олганликларини йиғилиш ахлига етказди. Бунда туман касабаси уюшма кенгашининг сафарбарлик имкониятлари жуда қўл келди. Уша кунлик туман тижорат «Пахта банк»да махсус ҳисоб очилиб, 200 миллион сўм ўтказилди.

ки» кишлоқ врачлик пунктининг таъмирлаш қўшма корхонамиз ҳисобидан 5 миллион сўм ажратмоқчимиз.

Шифохоналарда кенг қўлама таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Туман марказий шифохонаси маъмурияти раҳбарияти ўша кунлик таъмирлаш учун биноларни бўшатиб берди. Айни дамларда қурувчилар томонидан ҳар бир хона юқори суръатда таъмирдан чиқарилмоқда.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

Ёшгина аёл таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кува тумани кенгаши раиси хонасининг ашигини очди. Икромжон Комиллов меҳмонга пешовз чикди: — Хуш келибсиз, Шарофатхон. Қандай шамол учирди?

— Мактабимизда узоқ йиллар ишлаган Абдумухтор Абдуғаниев домлаими деб, даволанишига ёрдамлашасан дегандим.

ниб, ўзларингизга қайтади. Масалан, Икромжон қизни кузатиб қўйиб, Шарофатхон Зулфияева юзланди. — Ун икки йилдан бери шу лавозимда ишлайман. Вақт-бемаҳал ана шундай ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришга ҳам тўғри келади. Харақатларимиз самараси аъзолар сонини йилдан-йилга ўсишида намоян бўлмоқда. Саидахон Гофурова 1-мактабда, Юлдузхон Уринбоева 4-мактабда, Зулфияхон Усмонова 40-«Ширинтой» болалар богчасида, Баходиржон Холиқов 2-лицейда ташаб-

ОДАМИЙЛИК МАКТАБИ

стритбол бўйича вилоятда биринчи, шахмат бўйича учинчи, волейболда туртинчи ўринни эгалладилар. Спортчиларимиз ун спорт жихозлари ва формалари сотиб олди.

бускор ва жонқуярликлари билан фаолиятимизни самарали бўлишига ёрдамлашмоқдалар. Мана ишингиз битди, — у муҳр босиб ҳужжати узатди. — Газначига учрайсиз.

кетган домланинг овози титради. — Бошинг ёстиққа тегиб, икки дунё орасида тебраниб турганингда утган умрининг сарҳисоб қиларкансан. 42 йил ўқитувчилик қилдим. Ҳуқуқчиларимнинг фарзандларига, хатто наварларига тарихимизни ўргатдим. Ётиб қолганимдан бун ўқувчиларим, шогирдларим хабар олиб туришибди.

— Бизга дарс берганингда одамийлик ҳақида кўп гапирардингиз. Ҳуқуқчи бўлиб келганимда мактаб касабаси уюшма ташкилоти раиси экансиз. Йиғилишда «Узимизнинг аълочи ўқувчимиз. Оддий дехқоннинг қизи. Билимига суяниб олиёғоғга кирди, ўқиди. Бугун сафимизга қўшилди. Иш ва шахсий ҳаётида муваффақият тилаймиз, деб барчага таништиргансиз. «Бахтинг очилсан, қизим» деган гапингиз сира ёдимдан чиқмайди.

— Баракалла! Иш фаолиятимда кўрлимки, касаба уюшмаси одамийлик билан шуғулланганидан, уни ўргатганидан мактаб экан. Қўп нарса иқтисод қонунларига бўйсунганидан ҳозирги даврда касаба уюшма фаолиятини ривожлантириш ҳаётий зарурат. Шунда одамийлик завол топмайди. Буни унутма, қизим.

— Ҳўп, домла. — Одамийлик ҳақида Алишер Навоий сўзларини ёздириб қўйганим, болам. — Турибди. Кўзга кўринари хойга илиб қўйганим.

Шарофатхон домла билан хайрлашиб қайтаркан. Навоийнинг машҳур сўзларини хотирлади.

Одамий эрсанг, демагил одамий, Ониким йўқ халқ гамидан гами.

Нўмон МҮЙДИНОВ

СУРХОННИНГ БАҒРИ КЕНГ ОДАМЛАРИ

лар йили муносабати билан Кумкўрғон ахлига малакали тиббий ёрдамини янада яхшилаш учун ташаббус бошланди, — деди у. — Аслида бу зғу ишни аллақачон поёнига етказишимиз керак эди. Ҳашар уюштириб, ҳомийлар кўмағида ажайиб шифо масканлари барпо этишдан ҳам катта савоб бор эканми! Марказий шифохонамиз кенг қўлама таъмирлаш учун туман захира маблағи ҳисобидан 32 миллион сўм ажратилган қарор қилинди. Бундан ташқари, қурилиш фирмаларини бу ишга жалб этиш ниятимиз бор.

юзлаб фермер хўжаликлари, тадбирқору ишбилармонлар, йиғилишда иштирок эта олмаган корхона ва ташкилот раҳбарлари туман ҳокими хузурига келишди, «юрғимиздаги ниятни айтаемиз» деб туриб олишди. Бу ҳолдан хабар топган ҳоким уларни катта залга тўплади. Йиғилишдан номидан «Олтин — Чигит» ўзбек — япон қўшма корхонаси раҳбари Жўра Менглибоев сўз олди.

Холмўмин Саидов 10 тадан жаррохлик кийим-боши, 50 тадан кўрпа-ёстиқ жилдлари, 30 тадан аёллар кийим-бошлари олиб беришди, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Хўшбоқ Холлиев.

— Музрәбод ва Кумкўрғон туманларида бошланган савобли ишлар барча туманларга кенг ёйилган. Мана у ҳозирданок ўз самарасини бераёпти. Бошқармамиз Кумкўрғон ва Музрәбод туман соғлиқни сақлаш бўлиmlарини энг сўнги нухсадаги рангли телевизион рентген аппарати, туғруқхона учун нарқоз берувчи тиббий жихозлар билан таъминлашни зиммасига олган, — дейди Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К. Абдувоҳидов.



Бунгунги кунда Фаргона шахрида хорижий инвестициялар иштирокидаги 26 та корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан Фаргона нефт-

Корхона маҳсулотлари харидорғир

ни қайта ишлаш заводи, «Фаргонаазот» очик акциядорлик жамияти, Механика заводи, «Узсаламан» қўшма корхонаси сингари нафқат вилоятда, балки республикамизда ўзига ҳос салоҳият ва нуфузга эга бўлган корхоналарда ишлаб чиқаришга чет эл сармояси жалб қилиниб, замонавий саноат хўжалиқ билан сифати ва жаҳон андозларига мос маҳсулот тайёрланмоқда. Шаҳардаги «Евроосиё Тапо-Диск» ёпик турдаги акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси 1998 йилдан бун фаолият юритмоқда. Бу ерда Голландия, Германия ва Италия давлатларидан энг замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар келтирилиб, ўрнатилган.

Утган вақт ичида корхонада автомобиллар учун 13 ва 14 дюймлик дисклар ишлаб чиқарилди. Айни пайтда «Мерседес-Бенц», «Хундай», «БМВ», «Тайота» каби жаҳоннинг машҳур компаниялари автомобиллари учун 52 турдаги дисклар яратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, корхона маҳсулоти сифати бўйича жаҳон талабига жавоб берадиган халқаро сертификатга эга. Россия бозорида ўтказилган синовда бешта давлат ичида корхона маҳсулоти дизайни ва чидамлилиги билан иккинчи ўринни эгаллади.

Суратларда: ишчи Фарҳод Умаров; ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳа. М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Тарихингиз минг асрлар...

Самарқанд яқинидаги Кониғил қишлоғида қозғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ишда тадбирқорнинг қадимий усулни қайта тиклагани таҳсинга лойик.

Дунё тамаддунининг марказларидан бири бўлган Самарқандда 8-9 асрларда қозғоз ишлаб чиқарила бошлаганини барчага маълум. Бу маҳсулот унга қадар истезмолда бўлган пергамент, папирус, ёғоч пўстлоғи, мол терисидан тайёрланган ёзув ашёларини сиқиб чиқарди.

Хитой йилномаларида ёзилишича, қозғоз тайёрлаш ипак момкини ювиш натижасида пайдо бўлган. Вақт ўтиб, идиш устига руҳ элак қўйилиб, момик махсус чўплар ёрдамида саваланган. Идиш тубидаги чўқинди ёзишга яроқли ашёга айланган. Аммо бундай қозғозлар кўп меҳнат талаб қилинганга қарамай сифатли эмас эди. Кейин-

дод ва Қохирада ҳам қозғоз саноати ривожланган. Европада қозғоздан XII асрларда фойдаланила бошланган.

СамДУ доценти М. Абрамовнинг тадқиқотлариға кўра «Султонлар учун», «Самарқанд ипағи» номлари билан машҳур бўлган қозғозлар зигир толасидан пишқик, майин ва нафис қилиб ишланган. Унинг энг эътиборли жиҳати

бўлган. Уша давр ҳукмдори сарой кутубхонаси учун энг нафис Самарқанд қозғозларини йиғдириб келган».

Қорахонийлар истилоси даврида Самарқанд қозғоз саноати вайрон этилиб, фаолиятига барҳам берилди. Орадан юз йил ўтиб, мазкур соҳа яна ўз мавқеини тиклайди.

Хива хони Анушахоннинг XVIII асрдаги босқинида усқуналарнинг вайрон қилиниши, усталарнинг қулнингга учраши ёки ўлдирилиши натижасида ноати вайрон этилиб, фаолиятига барҳам берилди. Орадан юз йил ўтиб, мазкур бўлганларнинг бир гуруҳи Кўқонда паноҳ топиб, қозғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Аммо бу ердаги фаолиятлари ривожланмади.

Сўзимиз аввалида Кониғил қишлоғи тадбирқори қозғоз ишлаб чиқаришнинг қадимий усулини тиклаганини айтган эдик. Бу, албатта, замонавий саноат билан рақобатлаша олмади. Аммо, айна пайтда «қозғоз жувоэлари» дан фойдаланиш туфайли Кониғил қишлоғи туризм йўналишлари рўйхатига киритилди. Сайёҳлар Самарқанднинг қадим таърифи ва тарихи билан янада муқаммал танишиш имконига эга бўлдилар.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

ҚАДИМИЙ ХУНАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

пўстлоғига майда латталар қўшиб қозғоз тайёрлаш усули оддийлиги ва арзонлиги билан қўлай эди. Бу жараён хомашёни сувда буктириш, майдалаб тўйиш, пишориш, варақни қуйиш ва ниҳоят тайёр қозғозга ишлов бериб, силлиқлашдан иборат бўлган.

оқ халқа кўринишидаги сув белгиларининг мавжудлиғидир. Бундай қозғозларни XVI асрда уст Мир Иброҳим тайёрлаган.

Европалик шарқшунос олим Адам Мец «Муслулмон ренессанси» номили асариде (XIX-XX) шундай ёзади: «IX асрда қозғоз факат битта жойда — Мовароуннаҳрда ишлаб чиқарилган. X асрга келиб қозғоз фабрикалари Дамашқ, Фаластин тивернадаси ва Суриянинг Трипол шаҳрида ҳам мавжуд бўлишиға қарамай Самарқанд қозғоз саноатининг асосий маркази

энг яхши қозғоз Самарқандда чиқади. Қозғоз теғирмонлари учун ҳамма сув Кониғилдан келади. Кониғил Сибё ариғи қирғоғида жойлашган, барча қозғоз жувоэлари шу ердадир» — деган аниқ маълумот бор. XVI-XIX асрлардаги вақф ҳужжатларида қозғоз ишлаб чиқаришдан олинган даромадининг бир қисми мадрасаларнинг эҳтиёжларига ажратилганлиғи қайд этилган. Уша вақтларда Урта Осиёдан Россияга экспорт қилинган маҳсулотлар ичида Самарқанд қозғози ноёб ҳисобланган.

дан бир қарич, оёқ учидан бир қария ортик, ўтирсак бошимиз тегар-тегмас жой экан-да дедим. Қабр қовлаганга ёзилмаган савоб шу, одамға охиратини эслатиб қўйишқан, деб қолдим. Етти қабр қовлаган киши бу сабоқни етти мартага олиб, бу ёрғ дунёда омонатлигини етти марта эслаб, қадамини ўйлаб босса ажаб эмас, Пардаҳол, дерди Холмуродбой. Хангомаси ана шундай, китоб ўқиганлиғи билиниб турарди унинг, яна хаёлидан ўтди Пардаҳолнинг. Шу турт кунлик дунёда менга бу сариқ темирларнинг не кەرғат бор эди ўзи. Сизнинг сўзингизға кирганимда балки шу холға тушиб ўтирсак эдимми, балки, бегим!

Бу вақтда қора тобора яқинлаб биянинг ёлиға чап қўлини қўйди, Пардаҳол билан юзма-юз туриб қолди. Бу ҳам худди уша бегим айтган жирканч чибиннинг худди ўзингаси. Хайдаб кеткиза олмайман, деб ўйлади Пардаҳол. Хуржундагининг хидини қандай сёзса, сезди. Асли ўзимдан ўтди. Худди сиз айтгандай, тегмасам бўлар экан, шайтоннинг галиға кирмасам шу ишни қиларимидим! Вох, мен ўлай, гўл бўлайм.

Яна шайтон пайдо бўлди. Эгарнинг орқасига ўтириб олиб айтдики, ханжарни йўлингни тўсган уша ифлоснинг бунғизига солиб юбор, қутулсан-қўясан, ҳаммаси яхши бўлади, мана мен бор, деди.

Ҳамишга ўргатганимдайдек шайтон вавасасаға солса, ё Мухаммад, дегин, чўнки у ҳамма шақлга кире олади, факат Мухаммадининг қурунишиғагина кире олмайдди, деб ўргатганидан-ку. Ё Мухаммад, десанг шайтонни лавин қочади, деб неча бор айтганим сёнга, деди Холмуродбой. Ё Мухаммад, дея пичирлади Пардаҳол, аёл бошим билан одам ўлдириб гуноҳға ботишдан ўзинг сакла, ўзинг мадад бер, шарманда қилма, ё раббим, Ҳратган эгам!

Бу орада қора қўланга Пардаҳолнинг юзига тикилини қаради. Ия, фалончи, деди шеригиға. Қўлга турширганинг бўлбулға ўхшайди, ана зирағи ҳам бор. Шошилиб зиракни ечишни унутганимни қара, хаёл

қилди Пардаҳол.

— Йўғ-е, — деди яқинлашиб келётган иккинчи қора. — Йўғ эмас, бор. Бизға буну худонинг ўзи етказди.

Пардаҳол ҳамон Холмуродбойнинг гадир-бурд дасталик ханжарини маҳкам тутамлаб турарди. Унинг муздай соли қафтига ботди, ўзини бироз тутиб олган Пардаҳол ханжарни қўйиб юборди.

— Тўшинлар энди, бир гаплашайлик. — Ҳозир, — Пардаҳол шундай деди. — Ҳозир. Йўлтўсар биянинг ёлидан қўлини олмай, чалқайиб қулди, қулганда ҳам ўзини унутиб ёйилиб қулди. Бия бир нохушликни сезиб безовта бўлиб пишқириб тизиланди. Пардаҳол жон холатда қора қўланга чанг солди. Қўлиға йўлтўсарнинг билағи аралаш, чопонининг узун ени илашди. Бияға қамчи босди. Отилиб жойидан қўзғалган жонивор йўлтўсарни ўмганлаб уриб юборди. Пардаҳол ўшлаб турмаганда эди, қора ерпарчин қулб тушарди, шунинг учун оёғи ерда судралган қулб, қўли қайрилиб додлаб юборди. Иккинчи қора ўнг томондан югуриб кела жиловға интилди, аммо бунинг урдасидан чиқа олмай, узангига ёпишмоқчи бўлди, шунда Пардаҳол ўнг қўлидаги ўрама қамчини йўлтўсарнинг совуқда чирсиллаб турган юзи-кўзи аралаш шундай шахд билан сермадики, умрида биринчи марта бунчалик қаҳр, шунчалик бор қучи билан қўл силтамаган бўлса керак. Ҳатто бечора тарғил сизирни мушглаб аганатганда ҳам мундайин қаттиқ урмаган эди. Аммо шу сафар шундай қилди. Бир нима шарт этди. Қамчи еган халиғи қора юзюмиға қилич тушди, шеклиди деб ўйлади, вой ўлдим, деб бўқирганча мўка ағдарилди. Бия қўш оёқ отиб, чопиб борарди. Қамчини қулғидан тизлаб икки қўлаб биланки қайриб тобора бураган сари ослган гавада чавандозининг тақимиға тушган улқодек биянинг гўл олдинги, гоҳ кейинги оёғиға урила бошлади. Пардаҳол шундангина гавадани ташлаб юборди, у ерга урила туриб бир хиқ этганини эшитди холос. Шу от қўйгандан қўйиб сойғача

келди. Сувдан шатир-шутир кечиб ўтаётгандагина юзига сёвуқ томчилар урилиб ўзига келди. Аммо қалтироғи босилмади. Дафвозадан тўғри ховлиға кириб борганда, уй ичи қоп-қоронғи эди. Юраги янада халқириб бияни яқкамчиға танғиб хуржунни елкасига сола-сола ичкарилаб чироқни ёқди. Фармонқул билан Тўрақул пустиак устида думалаб ўхлаб ётар. Ҳар иккаласининг қўлида бир сиқимдан қовурмоқ қуринарди. Пардаҳол болаларининг ёниға чўкиб, йиғлаб юборди. Қўп йиғлади, ухлай олмади.

Эртасига эрталаб дарвоза тақиллади. Ховлида ҳеч қим йўқ эди. Пардаҳолнинг ўзи чиқди. Бирни қўлини бўйниға осган, иккинчиси юзини бурни аралаш болаган икки эшаклик турарди. Ассалому алайкум, деди худди келишиб олгандек бир овоздан.

Пардаҳол таомилға мувофиқ, ичкари қиринлар, деди. Фармонқул меҳмонларнинг қўлиға сув қўйди. Ичкари кириб ўтиришди. Дастурхон ёзилиб нон, майиз, туршак, жийда тишланди. Меҳмонлар хомуш эди. Охири қўли осилғи секин йиғлаб қўя берди. Опа, деди хикқилаб, бойбича опа, майли, бизни ўлдириб, итингиз бўлайлик, не қилсангиз қилинг, факат бир бор гуноҳимиздан ўтинг.

Нима гаплиғиға Пардаҳол тушуниб ўтирарди. Шундай бўлса-да: — Не гап ўзи, — деди.

— Сизни кўп эшитиб юргич эдик. Бойингизни ҳам ҳурмат қилардик, ишқилиб худо раҳмат қилган бўлсан, Аммо ўзингизни ҳеч кўрмаган эканмиз, танимаганим сийламас, деб кечағи расвогарчиликни қилиб қўйдик. Кейин билсак, сиз экансиз. Сиздан бошқа аёлининг қўлидан мундай иш келмайди, деди бир киши. Тўғри айтган экан, боладингиз. Эндям шу йўлга юрсак, икки кўзимиз оқиб тушимиз.

Иккаласи ҳам дастурхонға тикилиб бошқа бир сўз демай гўм-гурс ўтирарди.

Пардаҳол анг-танг бўлиб қолди. Ўғри экан-у, аммо

мард экан чоғи, хаёл қилди. Ажабтовур бош эғиб кепти. Ўғри халқи мард келар, дегани шумикан. — Нега буйтиб журисиллар ўзи? — деб гап қотган бўлди. — Қаердансизлар?

— Э, опа, несини айтасиз, Боқиданмиз. Айтар оғизға уят, ейишға номимиз йўқ, шайтоннинг гапига кириб, бир йўл тўсмоқчи бўпмиз, бор гап шул, майли, бизар борайлик. Энди опа, не гап бўлса бўлди, биздан ўтди. Гап шу ерда қолсин, жон ожапон!

Пардаҳол индамади. Ховлиға чиқишди. Иккала меҳмонни хайрон қолдириб нарироқдаги қўш табақалик бир хонанинг ичкарисини кўрсатиб, шунинг бир қоплини олинлар, деди.

— Э, ундай деманг, нима қилгансиз, биз... — Гапни купайтманг, ол деганини олинг, эшакни берирок етаклаб кел, улим.

Фармонқул меҳмонларнинг эшагини етаклаб келди. — Ортинг.

Ноилож қолган йўлтўсарлар қизарди, бўзарди, охири биттаси осилғи қўлини қўрсатди. Иккинчиси бориб юз қилик олачандан тўқилган қопни у ёқ кўрди, бу ёқ кўрди, кучи етмади. Шунда Пардаҳол мундай туринг, деди ва ўзи қопни даст кўтариб эшакнинг устиға қўйди. Хангининг бели бир букчаёди, сўнг дельбанглаб-дельбанглаб, охири ўзини тутиб олди ва пилдираб юриб кетди.

Пардаҳол кўнглида ҳозиргина кузатган меҳмонларига бир ачиниб, бир янб, минг бир хаёл билан дахлизға кирди. Кеча кечқурун келтириб қўйган хуржун ҳамон бурнақда турарди. Нимагадир дув қизарди. Билдек олача хуржунни у қўлидан бу қўлиға олиб бироз қаловланиб турган, шарт бурилди-да, бия боғлиқлик яқкамчи томон юрди.

— Фармонқул, — деди хайрон қараб турган ўғлиға. — Мен Чорлоққа катта знангини кўриб келганим кетаётибман, уканг билан ховлидан чиқмайгина ўтир, мён теъда келаман.

